

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ ДАВЛАТЧИЛИК СИЁСАТИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.14544404>

Маматова Фотима Абдусаломовна

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг давлатчилик сиёсатида доир янги қараешлар ва охириги маълумотлар келтирилган. Дипломатия ва ҳукмдорнинг эл билан мулоқоти давлатчилик сиёсатининг узвий қисмлари сифатида талқин этилган. Муҳами муҳолиф Шайбоний Маддоҳи Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” асари юзасидан Бобурнинг эл билан мулоқоти таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: Шоҳ, подшоҳ, шаханшоҳ, З.М.Бобур, давлатчилик, Умаршайх Мирзо, Қобул, Самарқанд, Хиндистон, Муҳаммад Солиҳ, “Бобурнома”, “Шайбонийнома”, Соҳибқирон Амир Темур.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур соҳибқирон Амир Темурнинг бешинчи бўғин авлодидир. Улуғ давлатчилик тарихида З.М.Бобур гўё улуғ бобоси билан мусобақалашади. Жаҳон шарқшунослари ва зиёлилари даврасида З.М.Бобур шухрати Амир Темур сингаридир. З.М.Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзо ҳам “улуғ доиялик”(нияти улуғ) подшоҳ бўлган ва умрбод ўз подшоҳлиги ҳудудларини кенгайтириш учун урушлар олиб боргани “Бобурнома”да қайд этилган[1]. Бироқ унга омад кулиб боқмаган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурга ҳам то 1504-йилгача омад кулиб боқмади. Ҳолбуки, у буюк Соҳибқирон пойтахтини икки маротаба – 1497 ва 1500-йилларда эгаллашга муваффақ бўлган эди. Бирор шахзода З.М.Бобур шижоатини такрорлигини тарих билмаса керак. Ўн тўрт ва ўн етти ёшида З.М.Бобурга икки маротаба Самарқандни уруш билан олиш насиб этган. Ҳасанхожа Нисорий “Музаққир аҳбоб” (Дўстлар ёдномаси) тазкирасида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 1494-1503 йилги ҳарбий шижоатли ҳаракатларини қайд этгани диққатга сазовордир.

Филология фанлари доктори, профессор Ҳасан Қудратиллаев “Бобурнинг давлатчилик ва дипломатик сиёсати” номли йирик монографияни ёзган. Биз ушбу монографияда у киши назари тушмаган жабҳаларни ўз мақоламизда ёритишга ҳаракат қиламиз. Аввало, нега Бобур шунчалик йироқ бўлган Қобулга борди деган саволни қўямиз ва бунга жавоб беришга ҳаракат

қиламиз. Чунки ўз давлатидан махрум бўлган З.М.Бобурнинг янгитдан давлат тиклаши айна шунга боғлиқдир. Олимлар, З.М.Бобур Қобулни бориб уруш билан эгаллаб олган, деб ёзадилар-у, бироқ нега З.М.Бобур унгача йўлдаги йигирмадан ортиқ шаҳарлардан бирортасини олишга уринмаганлигига қизиқмайдилар. З.М.Бобур ўз давлатидан, ҳукмдорлигидан махрум бўлди. Шайбонийлар унга тегишли жойларни эгаллаб, босиб олдилар. З.М.Бобурда унинг бобоси томонидан тухфа қилган кичик давлатча – Қобул вилояти бор эди. З.М. Бобур мерос қолган Қобул вилоятига боради ва уни урушсиз эгаллаб олди. Тарихда Абусаид Мирзо ўғли Умаршайх Мирзога Қобул вилоятини совға қилган эди. Бу ҳақда “Бобурнома”да аниқ маълумот бор.

Давлат ишлари, хусусан, З.М.Бобур учун Ҳиндистонда кўпроқ уруш ва ярашлар билан ифодаланар эди. З.М.Бобур элчи танлаш соҳасида ҳам чинакам “синчи” омилкор эди. Элчиларидан бири Хожа Асадуллоҳ, олим ва заковатли инсон, ҳазилкаш дўст эди. У З.М.Бобурга ҳозирги Тожикистоннинг Оббурдон ва Даҳкат қишлоқларидан бўлиб З.М.Бобурнинг сарсон-саргардончилик пайтида унинг айрилмас йўлдоши эди. Бу исм “Бобурнома”да ўндан ортиқ ўринларда таъкидлаб ўтилган. Муҳим элчилик вазифаларини шу билан бирга З.М. Бобур Хожа Асадга ҳам топширган.

З.М.Бобур Ҳиндистондаги фаолиятида худди шундай муҳим дипломатик ишларга Шайх Жамол Дехлавийни танлаган. У машҳур олим, буюк хамсанавис, Ҳиндистоннинг собиқ ҳукмдорлари эътиборида бўлган киши эди. “Девони қасоиди Шайх Жамолий” китобида бу шоирнинг Бобур ва Ҳумоюнга бағишланган олтитадан бағишлов қасидалари киритилгандир[3].

2018-йилда Хўжанддаги Камоли Хўжандий илмий маркази Шайх Жамолийнинг “Меҳру- моҳ” достонини нашр этди [4]. Элчи ўз ҳукмдорининг маълум маънодаги маънавий сиймоси ва тилидир. Давлатлараро муносабатларда дипломатия ғоят муҳим рол ўйнаши аёндыр.

Давлат бошлиғи сиёсатини унга қарашли кишилар ҳар томонлама маъқуллашлари ва мақташлари табиий. Бизнинг назаримизда ҳукмдор сиёсатининг энг муҳим бир нуқтаси унинг халқ билан муносабати ва мулоқотида кўринади. Маълумки, Муҳаммад Солиҳ отаси Нурсайдбек қасосини олиш учун Муҳаммад Шайбонийхонни эш тортиб 1500-йили Самарқандга келган эди. Ўзини “Темурийларни ўргани келган ўроқман” деб очиқчасига ёзган Шайбонийхон дарҳақиқат, Муҳаммад Солиҳни ҳар томонлама сийлади [2]. Унга “Маликкул-шуаро” унвонини берди ва ўзи эгаллаган бир неча шаҳарга Муҳаммад Солиҳни “доруға”(ҳоқим) қилиб тайинлади[5].

Муҳаммад Солиҳ Шайбонийхоннинг зафарли юришлари ҳақида “Шайбонийнома” достонини ёзади. Биз ана шу достондаги душман лагерининг

мафкурачиси асаридаги Бобур образига мурожаат этамиз ва ёш ҳукмдорнинг халқ билан мулоқотини тадқиқ этамиз.

Темурийларга қарши курашга бел боғлаган Муҳаммад Солиҳ шаҳти ва унинг достони Бобурга ёқмайди. Албатта, чунки асарда

Чу Самарқандни олди Бобур
Халқаро тафриқа солди Бобур

сингари нохолис байтлар оз эмас эди. Аммо бизга Муҳаммад Солиҳнинг ростўйлиги қизиқтирди. Унинг қуйидаги мисраларни ўқисак, З.М.Бобур нутқ сўзлаётганида Муҳаммад Солиҳ йиғинда аниқ қатнашган экан, деган хулосага келамиз. Чунки ҳақиқий репортажчи мухбиргина баённи бунчалик даражада ҳаққоний ифодалаши мумкин.

Вазият ғоят оғир. Шаҳарни Шайбонийлар лашкари қамал қилган. З.М.Бобур эса ёшгина – ўн етти яшар ҳукмдор ва унинг қарамоғида озгина лашкар бор, холос. Ана шундай вазиятда Шайхулислом Абдулмакорил шаҳар халқини йиғиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобурни ёнини олиб, нутқ сўзлайди. У ўз сўзида агарда Муҳаммад Шайбоний шаҳарни эгалласа:

Бўлур ўғлонларимиз барча асир
Ағлиё доғи бўлур барча фақир.
Қўлингиздан чиқар айвон-у сарой,
Фоқа-ю фақр қилур сизни гадой.
Эгачи-ю, сингил-у, аҳли аёл
Барча ўзбакка бўлурлар помол.

Шайхулислом ўз сўзи таъсирини кўргач, яна нутқини давом эттиради. У З.М.Бобурни шаҳарга таклиф қилгани ва у ўз лашкари билан шаҳар халқи бирлашса, мудофаага шай эканлигини уқтиради. Халқ бу гаплардан руҳланиб, бирваракайига “бизга Шайбонийхон керак эмас! Биз сизнинг хизматингизга шаймиз!” деб фарёд этадилар:

Ҳон ила жанг-у жадал айлагали,
Ҳон била ҳарб-у қитол айлагали.
Олишиб қалъани биз сақлагони,
Солишиб қалъани биз сақлағоли.

Кўряпмизки, З.М.Бобур давлат бошлиғи сифатида жуда тўғри йўл танлайди. Аввал халқга синашта бўлган Шайхулислом Абдулмакорилга сўз беради. Вазият кўнгилдагидек барқарорлашгач, ўзи нутқ сўзлайди. З.М.Бобурнинг Самарқанд халқи олдида сўзлаган нутқи жуда чуқур маъноли бўлиб, таъсирчан, режали уч қисмдан иборатдир.

З.М.Бобур сўзларининг биринчи қисмида Самарқанд халқига Соҳибқирон Амир Темур давр-у даврони, бобоси Султон Абусаид, сўнгра амакиси Султон

Аҳмад Мирзо замони ва ўз отаси кимлиги хусусида: иккинчи қисмида шаҳарнинг қамал ҳолатидаги аҳволи ва учинчи қисми эса нима қилмоқ кераклиги хусусида бўлади.

Оталаримни кўра қолғансиз,
Иззу жоҳиға(иззат ва мартабасига) назар солғансиз.
Авбоком(улуғ бобом) илоҳи жаҳондор Темур,
Хусрави Маъдалатосар(адолатпарвар подшоҳ) Темур.
Ким не турлух эди Султон Саид,
Ким Қорабоғ аро бўлди шаҳид.
Ул менинг жаддим-у(бобом-у) бечора отам,
Андижон мулкида хунхора отам.
Шоҳ-у сардор Умаршайх эрди,
Тийғи хунбор Умаршайх эрди.
Обоғам(амаким) эрди топиб фазли аҳад,
Шоҳи диннарвари Султон Аҳмад.
Энди ёд айлангиз ул шоҳлирни,
Шоҳлик сирридин огаҳларни.
Истабон руҳларидин ҳиммат,
Тортингиз банда учун бир заҳмат.

Муҳаммад Солиҳ ушбу байтлардан сўнг шундай бир сарлавҳа қўяди:
“Бобур Мирзо сўзидин мутаассир бўлуб, шайхлисом ва шаҳар эли қалъани беркитганлари”. Достонда муаллиф шаҳар халқининг керак сўзлари изҳорини келтиради:

Сен алар ўрнида султон бўлғил,
Шайхулислом била ёрон бўлғил.
Сен тақи бизга қадимий султон,
Айлангиз бизга иккингиз фармон.

З.М.Бобур ана шундай эл билан мулоқот қилиб, Самарқанд халқини шаҳар мудофаасига тайёрлайди. Ўн етти ёшида шунчалик тадбирли бўлган Бобурнинг, 1500-1516 йилларда ҳаёти жанг-у жадалда кечган. Шу муносабат билан З.М. Бобурнинг Ҳиндистондай улкан мамлакат бошқарувини ўз қўлига киритгани ва шаҳаншоҳ (император) бўлгани бежиз эмас эди. З.М.Бобур ва бобурийларнинг пухта ўйланган, истиқболли давлат сиёсати туфайли бу сулола 332 йил яшади. Ниҳоят, ҳукмдорлик атамаларида озгина изоҳ берсак тўғри бўлар эди. Ҳукмдорлик уч босқичли бўлади:

- 1) шоҳ – кичикроқ мамлакат ҳукмдори;
- 2) под – катта демақдир. Подшоҳ – катта шоҳдир;

3) шаҳаншоҳ эса шоҳлар шоҳи (император) бўлиб, унинг салтанати таркибида ўнлаб шоҳликлар бўлади.

Бундан буён тарихчилар атамани тўғри ишлатиб, З.М.Бобурга нисбатан “шаҳаншоҳ” атамасини қўлласалар, бу сўз “император” сўзининг шарқона ифодаси эканлигини инобатга олсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Адабиётлар:

1. Заҳриддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома”, Ўзбекистон нашриёт -матбаа ижодий уйи, Тошкент, 2019.
2. Муҳаммад Солиҳ. “Шайбонийнома”, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1989.
3. Девони Қасоиди Шайх Жамолий. Рампур 2014-йил.
4. Шайх Жамолий Дехлавий. “Меҳру Моҳ”, Хўжанд.
5. Ҳасанхожа Нисорий. “Музақкири аҳбоб”, “Мерос” нашриёти, Тошкент, 1993.